

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА СИЁСИЙ
ПАРТИЯЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

Аброржон Абдуллаевич АМАНОВ

доцент

юримдик фанлар бўйича (PhD) фалсафа доктори

докторант

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда сиёсий партиялар билан ҳамкорлигининг бугунги ҳолати, ҳуқуқий асослари таҳлил қилиниб, мазкур фаолиятни самарали ташкил этишга оид таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, сиёсий партиялар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқий асос, ҳамкорлик.

**ОРГАНИЗАЦИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА СЛУЖБ ПО
ПРЕДУПРЕЖДЕНИЮ ПРЕСТУПНОСТИ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ С
ПОЛИТИЧЕСКИМИ ПАРТИЯМИ В ОБЛАСТИ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ
ПРЕСТУПНОСТИ**

Аброржон Абдуллаевич АМАНОВ

доцент

доктор философии (PhD) по юридическим наукам

докторант

Академия МВД Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируется современное состояние взаимодействия правоохранительных органов, органов внутренних дел с политическими партиями в деле профилактики преступлений, правовые основы, а также представлены предложения и рекомендации по эффективной организации этой деятельности.

Ключевые слова: органы внутренних дел, политические партии, службы профилактики правонарушений, профилактика правонарушений, законное основание, сотрудничество.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган зиммасидаги хизмат вазифаларини бажаришда, яъни жамоат тартибини сақлаш ва жамоат

хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликни амалга ошириши аксиомадир. Дарҳақиқат, мазкур ҳамкорлик объектив зарурат бўлиши билан бирга бошқарув субъектлари томонидан ташкил этиладиган ва тартибга солинадиган тизимли фаолият ҳисобланади [8;7]. Хусусан, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий негизларидан бирини ҳам жамият ҳаётида ижтимоий муносабат субъектларининг фаровон турмуш кечиришларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ички ишлар органларини бевосита аҳолига яқинлаштириш ҳамда роли ва мавқеини ошириш, уларни кенг жамоатчилик, яъни фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ташкил этади.

Юртимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг қуйи бўғини бўлмиш таянч пунктлари фаолиятининг маҳаллаларда, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ва бошқа аҳоли гавжум жойларда йўлга қўйилганлиги ҳам фуқаролик жамияти институтлари билан узлуксиз ҳамкорликни амалга оширишда ўзига хос имкониятлар яратди. Жумладан, ҳозирги замонавий тараққиёт босқичида давлат ва умумжамиyat аҳамиятига молик масалаларни ҳал этиш, улар юзасидан қарор қабул қилишда нафақат давлат органлари, фуқаролар ёки алоҳида шахслар, балки муайян аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қиладиган жамоат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳам юксалиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик шакллари алоҳида ўрганиш лозимлигини кўрсатади [6; 9–15]. Хусусан, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар ва ўзгаришлар даврида фуқаролик жамияти институтларининг, улар орасида сиёсий партияларнинг ўрнини ҳамда уларнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари билан ҳамкорлигини алоҳида аҳамиятга эга йўналишлардан бири сифатида алоҳида қайд этиш лозим.

Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида дастурил амал бўлиб хизмат қилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг

“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида [4] ҳам “...давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш...” вазифаси белгиланган эди ҳамда бугун ушбу ҳужжатнинг мантиқий давоми бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонида [5] ҳам мамлакатимиздаги ислохотларни изчил давом эттиришда сиёсий партиялар ролини янада ошириш алоҳида мақсадлардан бири сифатида белгилаб берилди.

Айтиш жоизки, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ҳамкорлигига оид бир қанча маҳаллий ва хорижий мутахассислар ўз фикрларини билдирганлар. Масалан, «партиялар фуқаролик жамияти ва давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи ягона кучдир. Демак, кучли партиялар давлатни кучсизлантирмайди, аксинча, улар сиёсий жараёнларнинг жамоатчилик назорати остида кечишини таъминлашга ёрдамлашади, давлатни жамиятнинг турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлари билан боғлаб, улар ўртасидаги муштарақликни янада кучайтиради. Аксинча, демократик мамлакатлар тажрибасидан маълумки, партияларнинг кучсизлиги давлат органларининг заифлигига сабаб бўлиши мумкин» [11;104]. Сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. «Фуқаролик жамияти институтлари ичида энг фаоли, сиёсий манфаатларни ифодалаш ва ўткази олиш ҳуқуқи ва имкониятларига эга бўлгани сиёсий партиялардир» [11; 99–100]. Ю.А. Юдин фикрича, замонавий фуқаролик жамиятининг бардавом фаолияти бир неча серқирра жамоат ташкилотлари билан узвий алоқани талаб этади, уларнинг энг асосийси сиёсий партиялардир [10; 36].

Маълумки, «Сиёсий партиялар жамият сиёсий тизимининг асосий таркибий қисми ва сиёсий институт сифатида давлат ҳокимияти механизмининг ишлашида фаол иштирок этадилар ёки унга муайян таъсир ўтказадилар, фуқароларнинг сиёсий онги шаклланишида ва сиёсий маданияти даражасини ортишида катта рол ўйнайдилар» [7; 8]. Зеро, жамият сиёсий тизимининг фаол

ҳаракати кўп жиҳатдан сиёсий партиялар фаолиятига, улар ўртасидаги соғлом рақобат асосидаги ҳокимият учун курашга боғлиқ. Давлат органлари ва сиёсий партияларнинг алоқаларини шунда кўриш мумкинки, давлат сиёсий партияларнинг ташкил этилиши ва эркин фаолияти учун шароит яратиб берса, ўз навбатида, сиёсий партиялар ҳам ўз ҳаракатларида мамлакатни ривожлантириш масаласига асосий вазифа сифатида ёндашадилар.

Дарҳақиқат, бу икки серқирра институтнинг жамият сиёсий тизимидаги ҳаракати, бир-бири билан ўзаро муносабатлари муайян тўғри ва акс алоқаларга асосланади. Давлат сиёсий партияларнинг эркин фаолиятига шароит яратиб берса (тўғри алоқа), ўз навбатида, сиёсий партиялар ҳам дастурий ғоялар, қарашлар, фикрлар хилма-хиллиги орқали давлатни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшадилар (акс алоқа). Бу икки институтнинг бир-бири билан узвий муносабати, умумий манфаатлар асосида фаолият юритиши нафақат ўзларининг, балки жамиятнинг равнақи, инсониятнинг фаровон келажаги учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Зеро, «сиёсий партиялар давлат билан халқ, жамият ўртасида боғловчи ҳалқа вазифасини бажаради» [9; 166].

Ҳозирги кунда мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими амалда бўлиб, бешта сиёсий партия фаолият юритмоқда. Ушбу сиёсий партияларнинг нормал фаолият юритишлари учун тегишли барча шароитлар давлат томонидан яратиб берилган. Хусусан, 2022 йил 1 январь ҳолатига кўра адлия органларида рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар ва уларнинг жойлардаги бўлинмалари сони 1108 тани ташкил этади [12].

Шу ўринда қайд этиш лозимки, олиб борилган ўрганишлар ҳозирги кунда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг сиёсий партиялар билан ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги ҳамкорлигини самарали ташкил этишда мавжуд имкониятлардан фойдаланилмаётганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилаётган муаммолар ҳам кўзга ташланмоқда. Назаримизда, ушбу ҳамкорликни самарали ташкил этиш учун аввало, баъзи ташкилий жиҳатларга аҳамият бериш зарур. Мазкур ташкилий жиҳатлар сифатида қуйидагиларни қайд этишимиз мумкин: ҳамкорликнинг

ҳуқуқий асослари; ҳамкорлик иштирокчиларининг касбий тайёргарлиги; ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштириш.

Ташкилий жиҳатлардан бири – ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари хусусида тўхталиб, айтиш жоизки, бугунги кунда амалдаги қонунчиликда давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигига оид бир қанча нормалар белгиланган, лекин давлат органларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда сиёсий партиялар билан бевосита ҳамкорлигига оид тўғридан-тўғри норма ва қоидалар мавжуд эмас. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг [3] 21-моддаси “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки”га бағишланган. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда умумий маънода “нодавлат нотижорат ташкилотлари” деб белгиланган.

Ҳозирги кунда республика сиёсий партияларининг давлат ва жамият ҳаётидаги роли ва мавқеини инобатга олиб, уларнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда давлат органлари, хусусан ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини бойитиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 21-моддасининг номланиши ва ички мазмунига “сиёсий партиялар” жумлаларини киритиш лозим. 21-модданинг номланишини эса, *“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки”* деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, бугун нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда сиёсий партиялар жамият ижтимоий ҳаётидаги фуқаролик жамияти институтлари орасида муҳим субъектлардан бири ҳисобланади. Қонун нормасига ушбу ўзгартиришнинг киритилиши эса сиёсий партияларнинг ҳуқуқбузарликларни

олдини олишда давлат органлари, хусусан, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари билан ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари бойитилишига ва кучайтирилишига хизмат қилади.

Шуниндек, Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунини [2] «*Сиёсий партияларнинг ҳамкорлиги*» деб номланган 5¹-модда билан тўлдириш ва мазкур моддада «*Сиёсий партиялар жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим масалаларда давлат органлари ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади*» деб қайд этиш мақсадга мувофиқдир. «Сиёсий партияларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим масалалаларда» жумласи ўз ўрнида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ҳам қамраб олади. Зеро, жамият ижтимоий ҳаётида тинчлик ва осойишталикни сақлаш энг олий неъмат эканлиги айтилиши ҳақиқатдир. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг амалдаги қонун ва қонун ости ҳужжатларида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигига оид бир қанча қоидалар мавжуд. Лекин Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни сиёсий партиялар учун Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан кейинги муҳим ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Ушбу қонунга мазкур норманинг киритилиши сиёсий партияларнинг ушбу йўналишдаги масъулиятининг ошишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, мазкур икки субъектнинг жамият ижтимоий ҳаётида ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги иштирокининг ҳуқуқий асосларини кучайтириш ва ушбу ҳамкорликни самарали ташкил этиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини инобатга олиб, уларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти самарадорлигини янада кучайтириш ва бу борада юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатларнинг олдини олишда ушбу субъектларнинг ҳамкорлик бўйича меморандум имзолашлари мақсадга мувофиқдир. Мазкур меморандумда: *биринчидан*, ҳамкорликни ҳуқуқий тартибга солиш асослари; *иккинчидан*, ҳамкорликни амалга ошириш механизмлари; *учинчидан*, ҳамкорлик натижалари бўйича иштирок этувчи субъектларнинг ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлари белгилаб берилиши лозим.

Шунингдек, мазкур меморандум асосидаги ҳамкорлик фаолиятида *дастурлар* ва *режалар* ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, сиёсий партияларнинг марказий кенгашлари билан Ички ишлар вазирлигининг меморандумларидан сўнг маҳаллий ички ишлар органлари билан сиёсий партияларнинг маҳаллий кенгашлари ўртасида ҳам маҳаллий даражадаги меморандумлар имзолашлари ва ҳудудларнинг демографик маълумотларидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорликдаги фаолият бўйича *дастурлар* ва *режалар* ишлаб чиқишлари лозим. Бу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланишига ва самарали ташкил этилишига хизмат қилади.

Мазкур ҳамкорликни самарали ташкил этишда аҳамият берилиши зарур бўлган ташкилий жиҳатлардан бири – *ҳамкорлик иштирокчиларининг касбий тайёргарлиги* муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, бугунги кунда мазкур ҳамкорликдаги фаолиятни самарали ташкил этиш учун бевосита масъул ходимларнинг айримларида ташкилотчилик, ташаббускорлик, киришимлилик, раҳбарлик, юксак профессионализм каби хислатларнинг етарли даражада эмаслигини ҳамкорлик самарадорлигига салбий таъсир этувчи сабаблардан бири сифатида эътироф этиш мумкин. Шу боис, тегишли субъектлар томонидан ушбу ҳамкорликни самарали ташкил этишда қобилиятли, юксак савияли кадрларни бириктириш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Сабаби, жамиятда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ушбу ҳамкорликни амалга оширувчи субъектлардан юқорида қайд этилган сифатларни талаб этиши табиий ҳолдир.

Шунингдек, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари томонидан ҳамкорлик учун масъул бўлган ходимларни ҳуқуқий

жиҳатдан тайёрлаш, уларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича ҳамкорликда фаолият кўрсатиши учун зарур кўникмаларни шакллантириш борасида махсус машғулотлар ташкил этиш лозим.

Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг сиёсий партиялар билан ҳамкорлигини самарали ташкил этишда аҳамият берилиши зарур бўлган ташкилий жиҳатлардан яна бири – *ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштириш*дир. Дарҳақиқат, ҳамкорликнинг самарадорлиги бевосита уни бошқариш ва мувофиқлаштиришга боғлиқ. Хусусан, ушбу йўналишда ҳамкорлик бўйича амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил этиш, мавжуд муаммоларни етарли даражада муҳокама қилган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилиш, ҳар бир субъектнинг ҳамкорликни бошқариш ва мувофиқлаштиришга виждонан ва масъулият билан ёндашишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари билан самарали ҳамкорлик олиб бораётган сиёсий партияларнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олишдаги фаоллигини муносиб баҳолаш мақсадида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда бошқаларга ибрат бўлиб келаётган сиёсий партиялар ва улар аъзоларини рағбатлантириш амалиётини кенг жорий этиш лозим.

Шунингдек, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг ҳуқуқбузарликларни олдини олишда сиёсий партиялар билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари: *биринчидан*, маъмурий ҳудудда содир бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарлик, жиноят, бошқа нохуш ҳодиса ва ҳолатларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; *иккинчидан*, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

Мазкур ҳамкорликнинг яна бир хусусияти шундаки, одатда, сиёсий партиялар жамиятда халқ номидан фаолият олиб боради ва шу халқнинг фаровон турмуши ҳамда порлоқ келажаги учун ҳаракат қилади. Демак, шу халқнинг фаровон турмуши йўлидаги ҳар қандай салбий ҳолатларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш сиёсий партияларнинг ҳам асосий вазифаларидан бири бўлиши лозим. Яъни, ушбу ҳамкорликни амалга оширишдан мақсад – жамият ижтимоий ҳаёти субъектларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва уларнинг сабаблари ҳамда содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда сиёсий партиялар билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилишлари лозим:

- ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга оид қўшма дастурларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш;

- содир этилган ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича марказлар фаолиятида самарали иштирок этиш;

- ижтимоий муносабатлар субъектларини, айниқса, ёшларни маънавий, ахлоқий, жисмоний, ҳуқуқий жиҳатдан камол топишида кўмаклашиш;

- муқаддам судланган, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва ижтимоий мослашувига ёрдам кўрсатиш;

- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

- миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш.

Бир сўз билан айтганда, сиёсий партиялар ХХІ асрда нафақат мамлакатимиз, балки бутун дунёда жамият ижтимоий ҳаёти ва давлат бошқарувида муҳим аҳамият касб этадиган катта нуфузга эга фуқаролик жамияти институтларидан биридир.

Хулоса қилиб айтганда, жамият ижтимоий ҳаётида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабаблари, содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси масъул. Мазкур масъулиятни янада ошириш ва жамият аъзоларининг ўрнатилган ҳуқ-атвор қоидаларига белгиланган тартибда риоя қилишларида жамият ижтимоий ҳаётида юқори нуфузга эга бўлган сиёсий партиялар ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ҳуқуқбузарлик профилактикаси хизматларининг самарали ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади ва мазкур ҳамкорликни янада такомиллаштириш давр талабидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.
2. Сиёсий партиялар тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.
3. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>
4. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил

7 феврал ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

5. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.

6. Гриб В.В. Законотворческая (правотворческая) инициатива как форма влияния институтов гражданского общества на органы государственной власти // Конституционное и муниципальное право, 2010. – № 12. – С. 9-15.

7. Германиянинг сиёсий партиялари тўғрисидаги қонуни. – Тошкент: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2007.

8. Забелов С.М. Взаимодействие органов внутренних дел с трудовыми коллективами и общественностью в охране общественного порядка и профилактики правонарушений. – Минск, 1979.

9. Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. – Тошкент: ИИВ Академияси, – 2003. – 166 б.

10. Юдин Ю.А. Политические партии и право в современном государстве. – Москва: ФОРУМ–ИНФРА-М, 1998.

11. Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. /Муаллифлар жамоаси // Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Тошкент: Akademiya, 2005.

12. www.minjust.uz. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий-веб сайти.